

Хазрат Навоий хаёти ва ижоди билан немис халкини таништиришда комусларнинг роли каттадир. Масалан, 1970 йили Швецарияда чоп этилган 991 сахифадан иборат комусда шоирнинг таваллуд ва вафот санаси, 1472 йилидаги вазирлик лавозими хақида маълумотлар берилган.

1975 йили Германиянинг Штутгард шаҳрида яратилган икки жилддан иборат “Жахон адабиётлари”нинг 1793 сахифадан иборат биринчи жилдида Навоийнинг хаётига оид саналардан ташқари, унинг ўзбек адабий тилига асос солганлиги, беш девон (шулардан бири форс тилида) яратганлиги, беш дostonли “Хамса” ёзганлиги, ёшликдаги дўсти Хусайн Бойқаро тахтга чиққач, шоирга имкон яратиб берганлиги хусусида кенгрок маълумот берилган.

1988 йили Мюнхен шаҳри “Болалар нашриёти” томонидан босилган комусда Навоийга 6 сахифа ажратилган. “Алишер Навоий” деб номланган 325-сахифада узбек, рус ва чет эллик олимларнинг навоийшуносликка қўшган хиссалари хақида тўхталиб ўтилган. Сахифа охиридан эса “Алишер Навоий девони” сарлавхаси остида шоирнинг даврларга ажратилган 4 девони 4 хил номланганлиги тўғрисида маълумот берилган.

326-сахифада “Фарход ва Ширин” сарлавхаси остида дostonнинг қисқача мазмуни баён этилган. Шунингдек, кейинги бетларда шоирнинг “Хамса” асари ва унга қирувчи “Лайли ва Мажнун” дostonи хақида маълумот берилган. Бирок, “Лисон ут-тайр” дostonи тўғрисида кечириб бўлмас чалқаш хатолар берилган. Жумладан, бу асар Атгорнинг “Мантик уг-тайр” дostonининг таржимаси дейилган. Аммо бу мавзу борасида бизнинг адабиётшунослар етралича асослар биоан “Лисонут-тайёр” ўзига хос оригинал асар эканлигини таъкидловчи ва исботловчи фактлар беришганликлари бизга маълум.

Демак, Алишер Навоий ижодининг немис тилида сўзлашувчи халқлар орасида тарқалишида немис комуслариининг ҳам ўз ўрни бор. Бирок юқорида таъкидланганидек, улардаги маълумотларнинг барчаси ҳам хақиқатга тўғри келавермайди. Навоий ижодини немисларга тўла етказиш учун эса унинг хар бир асарини яхлит немисчалаштариш лозим. Акс холда бошқалар ёзган, дуч келган мақоладан фойдаланиб, шоир хақида фикр юритиш Навоийдек буюк сўз устасини оддий таржимон шоирга айлантириб қўйишдек кечириб бўлмас, қўпол хатога олиб келади. Ўтган асрларда Гарб олимлари Навоийни билмай туриб таржимонга чиқарган бўлсалар - бордир. Лекин хозирги замонда ҳам Германияда шу эски қарашлар тарқалаётганини кечириш қийин. Бирок, айб ўзимизда ҳам бор. Навоийнинг ва бошқа қўплаб буюк адиларимизн немисларга танитишда қўпроқ ташаббус қўрсатишимиз лозим.

Акмалхон Абдуллажонов